Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 13-iyul № 83 (2808) seshanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Ҳаёт кемаси меҳнат лангарига суянмаса, шамоллару довулларга дош беролмайди.

СТЕНДАЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

БМТ тизимидаги ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари Қирғизистон жанубида июн ойида рўй берган ва Ўзбекистоннинг шарқий ҳудудларига катта миқдордаги қочқинлар кириб келишига сабаб бўлган зўравонликлар оқибатида юзага келган гуманитар инқироз чоғидаги Ўзбекистоннинг ғоят самарали саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон ҳукуматига БМТ агентликлари билан ўз вақтида яқин ва самарали ҳамкорлик учун чуқур миннатдорлик изҳор этади. Қирғизистонда ваҳшиёна хунрезликлар бошланиши билан Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарадош ҳудудларида ташкил этилган қочқинлар лагерларига ушбу агентликлар вакилларининг кириб-чиқиши учун дарҳол имконият яратилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан БМТнинг резидент-мувофиқлаштирувчиси, ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари қочқинлар лагерларида бўлиб, уларнинг аҳволи билан бевосита танишди, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрсатилган юксак олижаноблик ва амалга оширилган чора-тадбирлардан ҳайратга тушди.

Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳатлашувлардан кейин БМТ агентликлари, жумладан, БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Болалар жамғармаси, БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури, БМТнинг Гуманитар масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби тузилмалар қочқинлар лагерларига ўз ходимларини ва кўрпа-тўшак, озиқ-овқат, сув, санитария-гигиена воситалари, шунингдек, дастлабки тиббий ёрдам тўпламларидан иборат гуманитар ёрдамни юборди.

Июн ойи охирида қочқинлар ўз мамлакатига қайтиб кетганидан кейин БМТнинг Ўзбекистонга келтирилган гуманитар ёрдами қўшни Қирғизистонга ўтказиб берилди. Шу муносабат билан бизнинг бу борадаги ишларимизга кўрсатган катта ёрдами учун Ўзбекистон ҳукуматига алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Умид қиламизки, ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам давом этаверади. Биз қочқинлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги ҳамкорлигимиз БМТ билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.

Жаноби Олийлари, БМТ тизимидаги ташкилотлар номидан Сизга бўлган энг юксак ҳурмат-эҳтиромларимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Анита НИРОДИ,
БМТ резидент-мувофиқлаштирувчиси

Мустақилликка эришганимиздан сўнг муқаддас ва гўзал юртимиз заминида ҳар томонлама озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик. Бунда айнан «озод» ва «обод» деган тушунчаларга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас, албатта.

Нега деганда, озодлик ва ободлик халқимиз учун қадим замонлардан бошлаб ўзаро муштарак, энг азиз, энг эзгу қадрият бўлиб келади.

Шу ўринда бир ўйлаб кўрайлик: юрт ободлиги нимадан бошланади? Аввалambor, шу юртнинг эгаси бўлмиш халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг пок ниятлари ва мақсадларидан, лўнда қилиб айтганда, кўнгил ободлигидан бошланади.

Шу маънода, истиқлол йилларида мамлакатимизда мана шундай буюк ва олижаноб мақсадга эришиш йўлида олиб борилаётган улкан ишлар она диёримизни ҳар томонлама обод этиш, уни дунёга танитишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Шу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий, ҳақиқатан ҳам юз йилларга тенг, Ватанимизни янада обод қилишга қаратилган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз буларнинг барчасининг асосчиси ва бунёдкори деб Президентимизни таърифлаши бежиз эмас.

Қурилиш лойиҳадан бошланади

Ҳар сафар мамлакатимиз раҳбарининг улкан қурилиш майдонларида бўлиши билан боғлиқ лавҳаларни телевидение орқали кузатар эканмиз, бу Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Хива, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон ва бошқа бетакрор шаҳарларимизни обод этиш бўладими, Миллий боғ, Мустақиллик майдони, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи сингари муҳташам кошоналарни бунёд қилиш бўладими, Ҳазрати Имом, Регистон, Шоҳизинда, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоларини (бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин) тубдан таъмирлаб, қайтадан муқаддас зиёратгоҳларга айлантириш бўладими, ҳар қайси ана шундай муаззам мажмуа ёки майдон, иншоот ёки иморатларнинг лойиҳаси ва қурилиши бўйича у кишининг жуда чуқур ўйланган ва ҳар томонлама асосланган амалий фикрлар билдирганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном олган 2009 йилда «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган эзгу ғояни ўзида ифода этадиган махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва у бугунги кунда изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда.

Мазкур дастурга биноан, аввало, қишлоқда яшайдиган аҳолининг тақдири ва келажагини ўйлаб, қишлоқларимизнинг архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилишини ташкил этиш, уларда уй-жой ва ижтимоий иншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда ўтган қисқа вақт ичида қишлоқларимизни комплекс ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир неча қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январдаги қарорига биноан қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда қуриш ва шу негизда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳалаштирув институти ташкил этилди ва мазкур институт томонидан замонавий индустриал технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиладиган кўп хонали уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўтган йилнинг сентябр ойида пойтахтимизда ва кейинчалик вилоят марказларида ўтказилган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилди ва тегишли муҳокамалардан ўтказилди.

Таъкидлаш керакки, юртимизда бу лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари ҳам изчил равишда шакллантирилди. Бунда қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш асосида фаолият олиб борадиган, юртимизнинг ҳар бир минтақасида ўз бўлимига эга бўлган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ташкил этилгани ҳал қилувчи рол ўйнамоқда.

Албатта, қишлоқларимизга замонавий қиёфа бериш, уларнинг кўркига кўрк қўшиш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш йўлидаги бундай ишлар учун аввало маблағ керак. Бунинг учун эса узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини йўлга қўйиш лозим. Шу мақсадда Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги қарори асосида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди ва ҳозирги вақтда у муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Мана шундай режа асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар ва ижтимоий объектлар қуришнинг экспериментал лойиҳалари учун ер майдонлари ажратилиб, қурилиш ишларини амалга оширишга киришилди.

Маълумки, қишлоқ қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ энг муҳим масалалардан бири — бу қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборат. Бу борадаги амалий ишлар ҳақида гапирар эканмиз, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган 30 дан зиёд корхона ташкил этилганини қайд этиш лозим. Айни пайтда ушбу корхоналар зарур қурилиш маҳсулотларини сифатли тайёрлаб, имтиёзли нархларда қурувчиларга ўз вақтида етказиб бермоқда.

Юқорида зикр этилган барча йўналишлар албатта ўта муҳим аҳамиятга эга, лекин, ҳамма нарса, аввало, режадан бошланади, қурилишда эса жамики асосий омиллар орасида ҳал қилувчи ўрин тутадигани бу — лойиҳа эканини тушуниш қийин эмас.

Президентимиз Ислом Каримов шу йил июн ойида Андижон ва Фарғона вилоятларига ташрифи давомида жойларда қурилган ана шундай дастлабки уй-жойларни кўздан кечириб, юртдошларимиз билан мулоқотда бўлди. Ана шу учрашувларнинг бирида андижонлик янги хонадон соҳибаси Асалхон Расулова ўзининг миннатдорлик туйғусини ифода этиб: «Бундай уйлар ҳар бир қишлоқ аёлининг орзуси эди», дея таъкидлади.

Фарғона вилоятида эса янги уй калитини эндигина қўлига олган кекса қурувчи Нишонбой отанинг: «Очиғини айтсам, шаҳар уйларидан асло қолишмайдиган бундай ҳовли-жойларни тушимизда ҳам кўрмаганмиз», деган сўзлари кўпчилик қишлоқ аҳлининг дилидаги гап, десак, хато бўлмайди.

Дарҳақиқат, Нишонбой ота Бобораҳимов шу суҳбатда айтганидек, илгари бундай иморат қурмоқчи бўлган одам жуда кўп сарсонгарчиликни бошидан кечирарди. Аввало, ер участкаси ажратиш, кейин эса қурилишга рухсат олиш учун ҳафталаб, ойлаб турли кабинетлар эшигида сарғайишга, баъзан кимларгадир «қуруғи»ни чўзишга ҳам тўғри келарди. Шундан сўнг қурувчи ва усталар топиш, уларнинг иш ҳақини топиб бериш, ойлаб боқиш... Бу ёқда эса гоҳ цемент, гоҳ қум, гоҳ ёғоч-тахта, гишт ва шифер, гоҳ эшик-дераза, бўёқ ва пардозлаш материалларидан тортиб, арзимасдай туюладиган оддий михни ҳам қидириб топиш, топганда ҳам албатта устама ҳақини бериш ва бу ашёларни қурилиш жойигача ташиб келтириш учун транспорт харажатларини кўтариш... Тинкани қуритадиган бундай оворагарчиликлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, уй қуриш ташвиши бошига тушган одам бу муаммоларни миридан-сиригача яхши тасаввур қилади.

(Давоми 2-бетда)

Конференциядан конференциягача

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг 4-конференцияси бўлиб ўтди. Унда кенгаш раиси Ойсулув Нафасованинг ҳисобот маърузаси тингланди.

Янги муддат – янги вазифалар

Маърузада ўтган беш йилда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди. Касаба уюшмалари ҳар жабҳада ташаббускор, ташкилотчи ва айни чоғда меҳнаткашларнинг куюнчак маслакдошига айланиб улгурганлиги эътироф этилди. Фаолиятда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш чоралари хусусида сўз борди. Истиқболдаги режалар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда ЎзКУФК раисининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Озода Муҳиддинова иштирок этди.

Конференцияда Ойсулув Нафасова Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Мирзо Ҳайитов эса кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига сайланди.

Бунёдкорлик ва саховат замини

Мустақиллик йилларида Сурхондарёда ҳам халқимизнинг фидойилиги қандай мўъжизаларга қодир эканлиги исботини топмоқда. 2007 йили қуриб битказилган Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон темирйўли ва бошқа улкан бунёдкорлик ишлари бунинг яққол исботидир.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 5-ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам Сурхондарёнинг кундан-кунга чирой очиб бораётганлиги эътироф этилди.

— Термизда хорижий инвесторлар билан биргаликда очилган «Шингдон-Спиннинг-Термиз» Корея-Ўзбекистон қўшма корхонаси, 1300 тонна пилланни қайта ишлайдиган «Сурхон-Термиз-Силк» корхонаси шаҳарда саноат ҳам ривожланиб бораётганидан далолат беради, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов. — 2009 йили воҳа ёшларининг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Президентимиз ташаббуси билан Термиз давлат университетининг янги асосий биноси фойдаланишга топширилди. 1300 талаба таълим оладиган кимё факултетининг ҳам янги биноси қурилмоқда.

Шу билан бирга, келгуси йил бу ерда «Баркамол авлод» ўйинларини ўтказишга ҳам тайёргарлик ишлари қизғин. 10 минг томошабинга мўлжалланган, 11,5 млрд. сўмлик стадионни «Бухоро-20» трести бунёдкорлари барпо этмоқда. Ўйингоҳ билан бир вақтда замонавий «Бахт уйи», аҳоли учун шинам уйлар, Тиббий диагностика маркази ҳам қад ростлаётгани янада қувончли.

Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон темирйўли Сурхондарё иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. У Бойсун ва Хонжиза, Шарғун ва Миршодти ҳудудларидаги табиий бойликларни ўзлаштиришда қўл келмоқда.

— Ҳисобот даврида бошланғич ташкилотларимиз 745 тага, аъзоларимиз сони 21 минг нафарга ошди, — деди маърузачи. — 2006 йилдан буён «Бошланғич ташкилот жанговарлиги учун» шиори остида вилоят танловини ўтказаяпмиз. Ҳозир 1 та минтақавий келишув, 17 та вилоят, 27 та шаҳар ва туман келишуви ҳамда 5743 та жамоа шартномаси қабул қилиниб, касаба уюшмалари томонидан ижроси таъминланмоқда. Ҳисобот даврида жамоа шартномаларининг бажарилиши учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 365,7 минг сўм сарфлангани яхши ишлар натижасидир.

(Конференциялар ҳақидаги материаллар газетанинг 2-3-бетларида берилмоқда).

Тошкент фавворалари



Назира БОЙМУРОДОВА олган суратлар

Ishonch
2010-yil 13-iyul № 83 (2808)

Қурилиш лойиҳадан бошланади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда бу борадаги аҳвол тубдан ўзгармоқда. Янги уй-жойли бўлишни истаган қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёш оилалар уй қурилишида фақат ўз маблағи билан иштирок этади. Яъни, дастлаб уй-жой нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўлайди ва бундан буёғига қурилиш жараёнини назорат қилиб боради, холос. Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади. Энг муҳими, бу уйлар учун тўловларни бирданига эмас, балки 15 йил давомида аста-секин тўлаб бориш тартиби халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар бермоқда.

Бундай ҳолат ҳаммамизни хурсанд қилади, кўнглимизни кўтаради, албатта. Айни чоғда, ҳар қандай ишни такомиллаштиришнинг чегараси йўқ, деганларидек, бу борада мавжуд бўлган айрим камчиликларни бартараф этиш, давлатимиз раҳбари ибораси билан айтганда, қилган ишларимиз билан мақтаниш, қўлга киритган ютуқларимизни кўз-кўз қилиш билан чекланиб қолмасдан, буларнинг барчасига танқидий кўз билан қарашимиз даркор. Аҳоли учун бундан ҳам қулай шароит ва имкониятлар яратиш, ҳаётимиз сифатини изчил юксалтириш йўлида яна нималар қилиш керак, деган саволни доимо олдимизга қўйиб яшашимиз зарур.

Президентимиз Фарғона вилоятида бўлган чоғида янги хонадонларнинг эгалари билан суҳбатлашиб, экспериментал тарзда қурилган бу уйларнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида бу муҳим масала Президент ҳузурида бўлиб ўтган йиғилишларда шу ишга бевосита алоқадор мутахассис ва раҳбарлар, архитекторлар, лойиҳачи ва қурувчилар, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг мутасаддилари иштирокида бир неча бор муҳокама қилиниб, намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилинди. Жумладан, Юртбошимиз томонидан мавжуд лойиҳалар табиий омиллар — шамол йўналиши, қуёш нурининг тушиши каби муҳим иморатсозлик талабларини етарлича инобатга олмасдан режалаштирилгани, улар юртимиз ҳудудларининг ўзига хос маҳаллий анъаналари ва табиий иқлим шароитини пухта ўрганмасдан тайёрлангани туфайли айрим хоналар бир-бирига нисбатан ноқулай жойлаштирилгани, шифти бироз паст, болалар хонаси, меҳмонхона, даҳлиз ва зиналар, ваннахоналар тор бўлиб қолганига эътибор қаратилди.

Ёки яна бир мисол: уйга келган ҳар қайси меҳмоннинг аввалambор устки кийим-бошини ечиши, қўлини ювиб, меҳмонхонага кириши учун шароит йўқлиги, бир қарашда майда бўлиб кўринадиган бундай масалаларга лойиҳада олдиндан эътибор берилмагани яққол кўзга ташланади.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун лойиҳаларга тегишли ўзгартиришлар киритиш, хусусан, юқорида зикр этилган хоналарни кенгайтириш, деворлар баландлигини қўшимча 20 сантиметрга кўтариш, ошхона ва айвонни ёнма-ён жойлаштириш ва улардан меҳмонхонага бемалол ўтиладиган йўлак қилиш каби кўплаб масалалар бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, дарвозахонада ҳар қайси хонадоннинг шахсий енгил машинаси учун махсус жой қилиш, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, уйга тақаб қурилган сув иситиш — қозонхона қурилмасини ҳовлининг четига кўчириш тавсия қилинди.

Маълумки, ота-боболаримиз азалдан иморат қурилишида қатъий тартиб-режага амал қилишган, меъмор ва усталаримиз етти ўлчаб бир кесишган, деб таъкидлади Юртбошимиз муҳокама жараёнида. Хусусан, уйдаги дам оладиган, ухлайдиган хоналарнинг кўздан пана бўлишига алоҳида аҳамият беришган. Оиладаги аёлларнинг рўзғор юмушлари билан шуғулланиши, чақалоқни парвариш қилиши, ҳордиқ чиқариши учун, кексалар ва болалар учун ҳам ўзига хос қулайлик яратишга интилишган.

Лойиҳалар муҳокамасида сиртдан қараганда арзимасдек туюладиган, лекин кундалик ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай масалалар ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз янги уй-жойларни шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб барпо этиш зарурлигига алоҳида урғу берди.

Нега деганда, бундай уйларга эга бўлиш учун инсон йиллар давомида пешона тери билан тўплаган пулини сарфлайди. Энг муҳими, бу хонадонларда яхши ният билан неча ўн йиллар давомида бола-чақаси билан эмин-эркин ҳаёт кечиришни, уни келгуси авлодига мерос қилиб қолдиришни орзу қилади. Одамларнинг ана шундай ишончини унутишга, уни оқламасликка бизнинг асло ҳаққимиз йўқ, деди Юртбошимиз.

Мана шундай узоқни кўзлайдиган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида биз қишлоқда турмуш маданиятини янги босқичга кўтаришимиз керак.

Президент Ислом Каримов бу муҳим масалага бевосита дахлдор ва жавобгар бўлган барча мутахассис ва мутасаддилар олдига ана шундай вазифани кескин қилиб қўйди.

Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган муҳокамалар якуни бўйича ҳозирнинг ўзидаёқ амалий ишлар бошлаб юборилди. Аввало, Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ хусусий уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига жиддий ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларда ҳар бир иморат қурувчига шу пайтгача ажратиб келинаётган 4 сотих ўрнига бундан буён 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, янги уйларнинг янада кўркам қиёфа ва қулай шароитга эга бўлиши учун қўшимча имкониятлар туғдириб бериши шубҳасиз.

Замон талаби, одамларнинг эҳтиёжи асосида ҳар қандай лойиҳага зарур тузатишлар киритиб, янада такомиллаштириб борилиши табиий ҳол, албатта. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бугун барпо этаётган уйларимизни шундай мустаҳкам асосда қурайликки, у нафақат ўзимизга, балки етти пуштимизга ҳам хизмат қилсин, токи фарзандларимиз, невара-чевараларимиз бу уйларда соғ-саломат бўлиб вояга етсин, бахтли, осуда ҳаёт кечирсин.

Барчамиз кўп марта гувоҳ бўлганимиздек, Президентимизнинг ибратли бир одати бор: у киши қаерга бормасин, аввало, оддий одамлар билан учрашади, уларнинг қувончу ташвишлари, оилавий шароити, муаммолари билан танишади. Доимо юртдошларимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада ошириш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун имкон яратишнинг янги-янги ва энг маъқул ечимларини топиш устида бош қотиради.

Юртбошимизнинг Андижон ва Фарғона вилоятларида бунёд этилган замонавий уй-жойлар билан танишиш асносида чиқарган танқидий хулосалари, қабул қилган қарорлари ва шу асосда янгича ёндашув билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб, «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган ҳаётий ғояни амалда яққол намоён этиб турибди.

(ЎзА)

Касаба уюшмалари — мустаҳкам қалқон

Самарқанд вилояти

Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида ўтган йиллар мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили, Ҳомийлар ва шифокорлар йили, Ижтимоий ҳимоя йили, Ёшлар йили, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб аталди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясини кузата туриб шу даврда амалга оширган ишларимизни ўзимча сарҳисоб қилдим.

Меҳнаткашлар манфаати устуворлигини таъминлаш касаба уюшмаларининг олий мақсадларидан бири.

— Касаба уюшмалари томонидан қамрови, масъулияти катта вазифалар босқичма-босқич адо этилмоқда, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ойсулув Нафасова. — Вилоятимизда 490 мингдан ошиқ ишловчининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси таъминланаётир. Ходимлар муҳофазаси битта ҳудудий, 48 та тармоқ келишуви, 1296 та жамоа шартномаси асосида ташкил этилмоқда.

Ижтимоий муҳофазанинг биринчи шарти аҳолини иш билан таъминлаш ҳисобланади. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорликда 2006-2010 йиллар учун қўшма тадбирлар режасини ишлаб чиққанди. 2007 йилдан эса яна бир тадбир — хотин-қизлар ва ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича узоқ муддатли ҳаракат дастури ҳаётга татбиқ этила бошланди. Ўтган йили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига 1885 та, тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 4651 та, фермер хўжаликларини тараққий эттириш орқали 2600 та, касаначилик туфайли эса 3672 та янги иш ўрни яратилди.

Ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, хавфсиз иш ўрни яратиш борасида ҳам қатор ишлар қилинди. Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, назоратни кучайтиришга эришилди. Айни чоғда, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида сайланган 6311 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси аъзолари ҳамда 1639 та меҳнат муҳофазаси вакили фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳамкорликда 2705 та корхонада меҳнат муҳофазаси масалаларига доир назорат олиб бормоқда. Ўтган фурсатда корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволи ўрганиб чиқилиб, 8276 та камчилик аниқланди. 7052 та камчилик касаба уюшмалари аралашуви билан бартараф этилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамиша эътиборимизда, ўтган беш йилда мамлакатимиздаги санаторий-курортларда 9167 киши, санаторий-профилакторийларда эса 2553 киши соғломлаштирилди. Йўлланмаларнинг 7914 таси имтиёзли, 1173 таси эса кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг аъзолари, уруш қатнашчиларига улашилди. Меҳнаткашларнинг 85370 нафар фарзанди дам олдирилди.

Касаба уюшмаларининг нуфузини ошириш, сафини кенгайтириш чоралари кўрилаяпти. Беш йилда 90 мингдан ортиқ ишловчини бирлаштирган 713 та меҳнат жамоасида бошланғич ташкилот тузилди. Шундан 53816 нафар ходимни бирлаштирган 507 та ташкилот нодавлат сектори корхоналарида ташкил этилди. Айни чоғда, аъзолар сони 610378 нафардан 672622 нафарга ва бошланғич ташкилотлар сони 2305 тадан 2947 тага етказилди.

Йиллар сарҳисоби касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ишончли ҳимоячиси эканлигидан далолат бермоқда.

Ш.НУРУЛЛАЕВ

Эзгуликка камарбастамиз

Вилоятимизда қабул қилинган битим ва шартномалар орқали 12 турдан зиёд қўшимча имтиёз ва кафолат меҳнаткашларнинг манфаати ҳимоясига йўналтирилганини энг муҳим ишларимиздан деб биламан. Мисол учун, 1300 та жамоа шартномасига асосан меҳнат таътили узайтирилди, 15 та оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ вақт фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш, шунингдек, уй қуриш учун 13,2 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. 109 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътил кунлари узайтирилиб, қисқартирилган иш соатлари белгиланди. Бунинг учун 4,4 млн. сўм сарфланди.

Тармоқ корхоналаридаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 540 та оила фарзандлари учун 8 млн. 221 минг сўмга ўқув қуроллари, дарслик ва мактаб формалари харид қилинди.

Пастдарғом туманида 43 нафар ёлғиз кексага 10,1 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 9 та ходимга санаторийга имтиёзли йўлланма берилди. Нарпай туманидаги Ногарохона маҳалласида 50 та хонадон учун махсус лойиҳадаги уй қурилиши бошлангани муносабати билан «Қишлоқ қурилиш банки» томонидан аҳолига имтиёзли кредит ажратилди.

Вилоят тармоқ кенгаши ҳамда «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ўртасида тузилган 2 йиллик келишувнинг 2009 йилда бажарилиши бўйича қилинган ишлар ҳам анча салмоқли. Тизимдаги корхоналар томонидан ижтимоий муҳофазага сарфланган маблағ миқдори 2 млрд. 880 млн. 350 минг сўмни ташкил этиб, ҳар бир ходимга ўртача 950 минг сўмдан тўғри келди. Масалан, «Челак пахта заводи» ОАЖда 408,8 млн. сўм (ҳар бир ходимга ўртача 768 минг сўмдан) шу мақсад учун сарфланди.

«Митан пахта тозалаш заводи» ОАЖда жамоа шартномасини бажариш учун 355 млн. 500 минг сўм харажат қилинган. Корхона раҳбарияти ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида 2009 йили ҳамда 2010 йилнинг 1-чорагида ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлардан 128 нафарига 2 млн. 8 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалардан 3 нафарининг бир йиллик контракт пули тўлаб берилган.

Норхол РАҲМАТОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси

Сафимиз кенгаймоқда, аммо...

Тармоғимизга хос хусусиятлардан бири — касаба уюшма аъзолари кам бўлган ташкилотларнинг кўплиги ва улар билан ишлашнинг мураккаблигидир. Мисол учун, тармоқ бўйича 30 тагача аъзоси бор касаба уюшма қўмиталари сони 71 та бўлиб, улар 34 фоизни ташкил этади.

Ўтказилган ҳисобот-сайловлар якунига кўра, бугунга келиб вилоят вакиллиги тизимида бошланғич касаба уюшма қўмиталари сони 212 тани ташкил қилмоқда. Ҳисобот-сайловлар якуни билан касаба уюшма қўмитаси аъзоларининг 27 фоизи, раисларининг 12,3 фоизи янгиланди.

Қўмита аъзоларининг 22,9 фоизини хотин-қизлар, 21 фоизини ёшлар, раисларнинг эса 18,1 фоизини хотин-қизлар, 11 фоизини ёшлар ташкил этди.

Туман ва шаҳар кенгашлари нуфузини янада ошириш мақсадида хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раислари ва ташкилий назорат гуруҳи раҳбарлари ҳам аъзоликка киритилди.

Аъзолар сонининг ўсиши, тармоқ тамойилига мос ташкилот ва муассасаларни аъзоликка жалб этиш, унинг афзалликларини тарғиб этиш фаолиятимизда алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг «Касаба уюшмаларининг афзалликлари омилларини асослаш бўйича бошланғич касаба уюшма ташкилотларига тавсиялар тўғрисида»ги қарорига асосан, ҳар бир ташкилот ва муассасанинг касбий хусусиятларига қараб уюшмага жалб этиш ишлари доимий назоратда бўлди.

Касаба уюшма аъзолигига тарғиб этувчи, унинг ижобий томонларини белгиловчи буклет ишлаб чиқилиб, қуйи ташкилотларга етказилди. Натижада, тармоқда аъзолар сони ҳисобот даврида 25621 тадан 30212 нафарга ўсди.

Ҳисобот даврида вилоят Газначилик бошқармаси, «Амир» банки, «Микрокредитбанк», вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Имом Бухорий» халқаро маркази ва бир нечта ўрта махсус ўқув юртлари вилоят тармоқ касаба уюшмасига қабул қилинди. Бу борада ташвиқот мунтазам йўлга қўйилган. Аммо давлат ва жамоат ташкилотлари тамойилига эга бўлмаган талай муассасаларнинг сафимизда бўлиши ташкилий ишларда муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлиб, аъзо бўлиш истагини билдирган ана шундай ташкилот, муассасаларга эҳтиётлик билан ёндашишга ундамоқда. Чунки, соҳада ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларнинг ижроси вазирликдан тортиб қуйи ташкилотларгача уйғун бўлиши керак.

Аъзам ИСОҚОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили

Фаолиятимиз меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазалашга йўналтирилган. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясида таъкидланганидек, мазкур вазифаларни амалга оширишда маъмурият ва касаба уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномалари ва келишувлари муҳим ҳужжат саналади.

Фаоллик — ютуқлар гарови

Ҳар йили январ, феврал ойларида вилоят касаба уюшма вакиллиги жамоа шартномалари ҳамда келишувларининг лойиҳасини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича ўқув-семинарлар уюштиради, семинарларда иш берувчилар, касаба уюшма қўмитаси раислари, ҳуқуқшунослар, кадрлар бўлими ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари иштирок этади. Декабр ойида эса вакиллик кенгаши йиғилишида жамоаларда йиғилиш ва конференцияларни ўтказиш жадвали тасдиқланади.

2009 йилда қабул қилинган жамоа шартномалари ҳамда келишувларининг бажарилиши таҳлили шуни кўрсатдики, кўпгина корхона ва ташкилотлар молиявий аҳволининг оғирлигига қарамасдан, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш борасидаги мажбуриятларини бажаришди.

Бир қатор корхоналарда ноқулай шароитда ишловчи ходимларга тариф ставкаси ва лавозим маошларига 6 фоиздан 24 фоизгача қўшимча ҳақ тўланмоқда. Масалан, «Сувоқава», «Иссиқлик манбаи», «Армуғон», «Самарқанднур» каби ташкилотларда бунинг исботини кўриш мумкин. Шу билан бирга, ушбу корхоналарда иш стажи ақлий зўриқиш билан боғлиқ ҳамда ноқулай шароитда ишловчи ходимларга 3 кундан 15 кунгача қўшимча таътил берилаяпти.

Бир қатор корхоналарда ишлайдиган ва ишламайдиган пенсионерларга, уруш қатнашчиларига дори-дармон сотиб олиш учун қўшимча маблағ ажратилиб, моддий ёрдам бериш йўлга қўйилган.

Зуҳра МАМАТҚУЛОВА,
Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилоятидаги вакили

Ишонч бор экан...

Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Бунда энг оммавий жамоат ташкилотларидан бири бўлган касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос улуши бор. Ушбу фикрлар мактабимиз касаба уюшма қўмитаси фаолиятига ҳам дахлдор. Мактаб миқёсида ўтказилган барча маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларини ўтказишда касаба уюшмаси ташаббускор бўлиб келди.

Қўмита ҳамда маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномаси фаолиятимиз самарали бўлишига ёрдам бермоқда. 2005-2010 йилларда жамоа аъзоларидан 7 киши республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида дам олиб, соғлиғини тиклади. Кам таъминланган 8 нафар ходимга туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам берилди. Мактаб ходимларининг 30 дан ортиқ фарзанди тумандаги Амир Темур номли оромгоҳда имтиёзли дам олди. Ҳар йили Тойлоқ олимпия захиралари коллежида ташкил қилинадиган кундузги оромгоҳда жамоамиз ходимларининг 80 дан ортиқ фарзанди соғломлаштирилди.

Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларда ватанга муҳаббат, порлоқ келажакка ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш — бош вазифамиз. Бу эса эътиборли бўлишни тақозо этади. Ходимларнинг тарихий обидаларга бой Бухоро ҳамда замонавий меъморчилигимизни ўзида мужассам этган Тошкент шаҳарларига саёҳати бунга мисолдир.

Дилшод СУЛТОНОВ,
Тойлоқ туманидаги 21-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Нурилла ШАМСИЕВ ва Тўлқин ШЕРНАЕВ тайёрлади.
Назира БОЙМУРОДОВА олган суратлар.

Ishonch
2010-yil 13-iyul № 83 (2808)

ходимларнинг ҳамкори ва таянчи

Сурхондарё вилояти

Бунёдкорлик ва саховат замини

(Давоми. Боши 1-бетда)

Касаба уюшмалари ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ўртасида тузилган дастурга асосан 10 мингдан ортиқ аҳоли хонадонида бандлик соҳасида мониторинг ўтказилиши беш йил ичида 63 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини кўрсатди. 94 марта бўш иш жойлари ярмаркаси ўтказилиб, 7988 нафар фуқарога доимий ишга йўлланма берилди.

Касаба уюшмалари ҳаракат дастурини бажариш учун беш йил давомида Наврўз байрамида 16100 нафар, Хотира ва қадрлаш куни 9485 нафар, Мустақиллик байрамида 8460 нафар, Рамазон ҳайитида 5230 нафар ногироннинг ҳолидан хабар олинди. Муҳтожларга 20 млн. сўмлик қорамол тарқатилди. Бундан ташқари 2,9 млрд. сўмлик иш ҳақидан қарздорликка барҳам берилди.

Жисмоний тарбия ва спорт жамиятига 200 мингдан зиёд меҳнаткаш аъзо. Улар орасида мамлакат терма жамоаси аъзолари бор. Касаба уюшма спортчилари Осиё ва жаҳон биринчиликларида қатнашиб, 61 та олтин, 43 та кумуш, 78 та бронза медалини қўлга киритди. Ситора Ҳамидова, Павел ва Никита Холодовлар, Равшан Маҳмудов, Ориф Норбоев бизнинг фахримиз.

Конференцияда, шунингдек, Тафтиш комиссияси раиси М.Сиддиқовнинг ҳисоботи тингланди. Кўрилган ҳар иккала масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Конференцияда ЎзКУФК раисининг ўринбосари Н.Аллаёров ва вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Қобулова иштирок этиб, касаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифаларга эътиборни қаратди. Йиғилишда А. Аҳмедов вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси этиб сайланди.

Шу куни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 1-ташкилий пленуми бўлиб ўтди.

...Сурхондарё тоғларида саратонда ҳам оппоқ қорлар кўзга ташланиб туради. Жанубдан эсган шабаданинг майинлигидан дил яйрайди. Дала бошида деҳқон дамлаган кўк чой ундан-да ширин. Мустақиллик тортиқ қилган имконият, масъулият, бунёдкорлик ҳисси янги-янги марраларга чорлайди.

Р. ДАВЛАТОВ

Кўнгилларни шод этиб

8986 кишини бирлаштирган Денов туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаати халқ таълими бўлими маъмурияти билан тузилган жамоа келишуви ҳамда 166 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномаси орқали муҳофаза қилинмоқда. Ўтган даврда 920 нафар кам таъминланган ходимга, 87 нафар кўп болали аёлга, 1220 нафар боқувчисини йўқотган ёлғиз ходимга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳисобот даврида ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу кунгача 353 нафар ходим сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклаб қайтди. Шунингдек, кам таъминланган ходимларнинг 862 нафар фарзанди оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Тармоқ ходимларини жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб этиш учун ҳар йили ходимлар ўртасида анъанавий спартакиада ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, туман халқ таълими бўлими маъмурияти билан ҳамкорликда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказиладиган «Соғломжон-полвонжон» мусобақасига ҳомийлик қилаяпмиз.

Айтиш жоизки, инсонга наф келтиришни олий бахт деб билган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари аъзолар манфаатини ҳимоя қилиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, 77-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотидаги ишлар таҳсинга лойиқ. Тумандаги 1-мактабда ташкил этилган лимонарийдан анча даромад олинаяпти ва ҳар йили ўқитувчиларни Термиз, Самарқанд шаҳарларига саёҳатга олиб боришга сарфланмоқда. Кам таъминланган оила фарзандларига бепул дарслик олиб бериш, мактабни ободонлаштириш, кам таъминланган ходимларга моддий ёрдам бериш каби хайрли ишлар ҳам шулар жумласидан. Бундай мисолларни тумандаги 22-мактабда ҳам кўриш мумкин.

Рўзибой АЛИМАРДОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшмаси Денов туман қўмитаси раиси

Орамиздаги одамлар

Гулчеҳра Бойму-родова 2008 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан му-кофотланган, эл орасида ўзига яра-ша обрў-эътиборга эга бўлган инсон-лардан.

Меҳнат муаллимаси

Аммо опа билан учрашган киши унинг оддийлигидан, хокисорлигидан бир марта бўлса-да ҳайратга тушмай иложи йўқ. Қишлоқ меҳнатида тобланган аёлнинг ўз фалсафаси бор.

— Меҳнат таълими фани одатда кишиларда гўёки иккинчи даражали фандек тасаввур уйғотади. Лекин биз ўқитувчилар дарсларни ноанъанавий тарзда ўтиб, ўқувчиларни фаннинг янгидан-янги очилмаган қирраларидан бохабар этсак, уларнинг бу борадаги қарашлари ўзгаради. Халқ таълими вазирлиги янги ўқув режа ва дастурларини модернизация қилиш, уларни таълим тизимига татбиқ этиш ишларини босқичма-босқич олиб бормоқда, — таъкидлади муаллима. — Республикамизнинг турли ҳудудларида тажриба-синов жараёнлари ташкил этилиб, барча фанлардан янги ўқув дастурлари яратилди. Янги педагогик технологиялар жорий қилинди. Шу жумладан, меҳнат таълими фани бўйича тажриба майдончаси мен ишлайдиган Чироқчи тумани Ўзбекистон фермерлар уюшмаси ҳудудидаги 37-ўрта мактабда ташкил қилинди. Шу сабаб, кўплаб ҳамкасблар билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш имконияти пайдо бўлди. Йиллар давомида олиб борган изланишларим бесамар кетмади.

Дарсларни янгича ўтиш бўйича тавсияларим республика таълим маркази мутахассислари томонидан ижобий баҳоланди ва амалга татбиқ этилди. 2008 йилда 5-8 синфлар учун мўлжалланган «Ҳунар-зар» деган методик дастурлар тўпламим чоп этилди. Шу йили Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан «Моҳир қўллар тўгараги», «Газламага ишлов бериш», «Меҳнат таълими дарсларида эстетик тарбия принциплари», «6-7 синфлар учун тест саволлари» мавзуларидаги методик тавсияларим ҳам мутахассислар томонидан тақриздан ўтганлиги боис, нашрга тавсия этилди. Икки йилдирки, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида тингловчиларга маърузалар ҳам ўқиб келаман.

Мени қувонтирган нарса, шогирдларим мактабда, меҳнат таълими фани ва «Моҳир қўллар» тўгарагида олган билимларини мукаммаллаштириб, катта ҳаётда ўз тамойилларини яратишмоқда. Масалан, шогирдларимдан Хумор Раҳмонова ҳамда Садоқат Эсирова Жар қишлоғида тикув цехи очиб, янги иш ўринлари ташкил этишди ва қизларга бичиш-тикиш сирларини ҳам ўргатишмоқда.

Онам Санамгул момо чевар бўлган. Мактабда ўқитувчилик қилиш билан бирга, ҳар хил либосларни шундай чиройли тикардики, бу менда ҳам меҳнатга, бичиш-тикишга муҳаббат уйғотган. Ҳали ҳам урчуқ йигириб, гилам тўқийди.

Айни пайтда қизларга каштачилик, тўқувчилик, бисер тикиш, бичиш-тикиш, пазандачилик, юмшоқ ўйинчоқлар ва картон қоғозлардан турли нарсалар ясаш, рангли қоғозлар билан ишлаш сирларини ўргатяпман.

Юртбошимизнинг камтарона хизматларимни юқори баҳолаб, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлагани мени янада илҳомлантирди.

«Миллий халқ ҳунармандчилиги» методик қўлланмамни ёзиб, нашрдан чиқардим. Орзуим — ёшларимизни меҳнатсевар, яхши ҳунар эгаси қилиб тарбиялаш. Мен учун бундан ортиқ бахт йўқ.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Айни пайтда 200 мингдан зиёд аъзомизнинг 74268 нафари хотин-қизлардир. Улар 14 та туман, 1 та шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши, 5 та қишлоқ соғломлаштириш спорт клуби, 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда «Делфин» соғломлаштириш-сув спорти мажмуаси ва Термиз шаҳридаги «Алпомиш» стадионидаги машғулотларда фаол иштирок этаяпти.

Ёшлар дунё майдонида

Спортнинг оммавийлигини ошириш борасида ҳар бир тармоқ касаба уюшмаси ўзининг уч босқичдан иборат спартакиадасини мунтазам ўтказиб келмоқда. Айниқса савдо, маданият, таълим, ёқилғи ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма кенгаши ва вакилликлари ўрнак кўрсатмоқда. «Алпомиш» кураш мажмуасида бултур эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган вилоят очиқ чемпионати барчада катта таассурот қолдирди. Унда 164 нафар эркак, 73 нафар хотин-қиз қатнашди. Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб стол тенниси бўйича «Камолот маликаси» вилоят мусобақаси ўтказилиши ҳам аньана тусини олган.

Тасарруфимиздаги БЎСМ ўқувчиларидан 50 нафари самбо билан шуғулланмоқда. Улар орасида Юсуф Норматов, Сирожиддин Эсанов, Бобомурод Рустамов ҳамда Абдулла Холиёров ўз вазн тоифасида чемпион бўлишган.

Бугунги кунда тизимда олимпия захиралари, самбо, футбол, енгил атлетика мактаблари, БЎСМ бўлиб, уларда 447 ўқувчи спорт билан шуғулланмоқда. 6 курашчи, 2 дзюдочи, 6 самбочи, жами 20 нафар спортчимиз Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидир.

Енгил атлетикачи Ситора Ҳамидова, ака-ука Павел ва Никита Холодовлар, курашчи Рустам Бобомуродов, Ҳасан Жўраев, самбочи Ҳусан Ҳасанов, Ориф Норбоев, боксчи Самвел Мартирсян, Фирдавс Жабборов халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Рўзибой ЎТАЕВ,
Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси

Шароит яхши бўлса...

«Ангор пахта» ҳиссадорлик жамияти вилоятимиздаги йирик корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда 620 киши, жумладан, 137 нафар хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Иккинчи мавсумки, корхонада Ангор ва Термиз туманларида етиштирилаётган пахта қабул қилиниб, қайта ишланмоқда. Ўтган вақт мобайнида «Ангор» пахта пункти, «Талимаржон», «Янгиариқ», «Учқизил», «Гулбаҳор» пахта қабул қилиш ва сақлаш шохобчалари, шунингдек, жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш цехлари техник жиҳатдан қайта жиҳозланди. Хусусан, ўтган йили жамият қошида пахтадан чигит ажратадиган ва бирйўла дорилайдиган янги завод қурилди. Бинони қуриш ва жиҳозлашга 4,5 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Касаначиликка эътибор кучайтирилгани боис 20 га яқин ҳунарманд аёл ҳиссадорлик жамияти буюртмаси бўйича маҳсулот тайёрламоқда. Айтиш керакки, корхонада ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси, жамоа шартномаси бажарилишини таъминлаш касаба уюшма қўмитасининг назоратида. «Ангор пахта»да жамоа шартномаси бажарилишига алоҳида эътибор берилиб, яхши ишлаганларни қадрлаш, рағбатлантириш чоралари кўрилаётир. Корхона касаба уюшмаси раиси Эргаш Исмоиловнинг таъкидлашича, маъмурият томонидан ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси учун 2004-2009 йилларда 185 млн. сўм маблағ ажратилган. Ходимлар учун уч маҳал бепул овқат ташкил этилган. Сартарошхона, оёқ кийимларини таъмирлайдиган устахона мунтазам хизмат кўрсатаяпти. Ўтган йили кам таъминланган, вақтинча ишга лаёқатсиз бўлган ходимларга 95 млн сўм моддий ёрдам ажратилди. Масалан, 4-цех ишчиси Абдувоҳид Нортожиевнинг уйида ёнғин чиққанлиги учун энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, ишчиларнинг фарзандларини оромгоҳларда корхона ҳисобидан дам олдиришга катта эътибор берилаётир. Қисқа фурсатда корхона ходимларидан 50 нафари «Сурхон» санаторийсига, 30 нафари «Жайронхона» шифохонасига, 35 нафари Деновдаги «Зилол» сиҳатгоҳига жўнатилиб, соғлиғи тикланди.

Меҳринисо ҲАМДАМОВА

Хозир вилоятимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўндан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаяпти. Шулардан бири «Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасидир. Корхонамизда 400 га яқин ходим меҳнат қилмоқда. Ишчиларимизнинг асосий вазифаси ер қаъридан қазиб олинаётган «қора олтин»ни қайта ишлаб, харидоргирлигини ошириш ва халқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтиришдан иборат.

Иш ҳақи — 650 минг сўм

Албатта, ер ости бойлигини тайёр маҳсулот даражасига келтиргунча озмунча меҳнат сарфланмайди. Шу боис қўшма корхона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ибратли ишлар бажарилаяпти. Хусусан, ходимларнинг ойлик маоши ўз вақтида берилаяпти. Ўртача иш ҳақи 650 минг сўмдан ортиқ, бундан ташқари, ишчиларни соғломлаштиришга 14 млн. 314 минг сўм, ходимларнинг малакасини оширишга 15 млн. 555 минг 800 сўм, ишчилар меҳнат таътилига чиққанда соғлиғини тиклаш учун 69 млн. 377 минг 400 сўм, уй қуриш, таъмирлаш ҳамда сотиб олишга 88 млн. 612 минг 300 сўм фоизсиз ссуда йўналтирилган. Баркамол авлод йилида ҳам маъмурият даромаднинг бир қисмини ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси учун сарфламоқда.

Корхонамизда қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида касаначилик йўлга қўйилган.

С.ХЎЖАМБЕРДИЕВА,
«Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

«Куч — билим ва тафаккурда»

2009 йилнинг 25 август куни Президент Ислом Каримов воҳага қилган сафари чоғида университетимизга ҳам ташриф буюриб, Сурхон замини қадимий маданият ўчоқларидан бири эканлигига эътиборни қаратган эди. Университет янги биноси қурилиши учун давлат ҳисобидан 9 млрд. сўм сарфланди. Бундан ташқари, қарийб 400 млн. сўмлик энг сўнгги моделдаги компьютерлар, ўқув жиҳозлари етказиб берилди. Давр талабларига мос, вилоятимизда ягона бўлган видеоконференция зали ташкил этилди.

23 нафар фан доктори, 135 нафар фан номзоди 8 минг бакалавр, 121 магистр, 13 нафар аспирантга замон талаблари даражасида билим бериб келмоқда. Талабаларимиз ахборот-коммуникация воситалари орқали жаҳоннинг хоҳлаган таълим масканига уланиш имкониятига эга. Талабаларимиз орасида 2 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендиялари совриндорлари борлиги қувончлидир.

Университетимиз Жанубий Кореянинг Сун-Мун ва Кенг-Бук университетлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни йўлга қўйган, шунингдек, Ҳиндистоннинг Деҳли, Германиянинг Бонн ва Мюнхен, Жанубий Кореянинг Кеимюнг, Малайзиянинг Мултимедиа ва Мара университетлари билан ҳам ҳамкорликда ишлаяпмиз. Университетимиз Осиё университетлари федерацияси аъзосидир.

Сурхондарёнинг этнографик макон дея эътироф этилиши барчамизни ғурурлантиради. Университетимизда шу муносабат билан Сурхон воҳасининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одат ва маросимларини ўрганиш мақсадида «Сурхондарё — этнографик макон» веб-сайти яратилди.

Карим ЭШНАЗАРОВ,
Термиз давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Рустам ДАВЛАТОВ ва Дилдора РАҲМОНОВА тайёрлади.

Таассуф!

«Қариндошпарвар» оқсоқол

Убай Юнусов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий маълумотли, ишнинг кўзини билгани учун 2006 йили кўпнинг ишончи билан Шофиркон туманидаги «Читгарон» маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланди. Раиснинг вазифасига нималар киришини Юнусов яхши биларди. Аммо унинг масъулиятсизлиги панд бериб қўйди.

2007, 2008 ва 2009 йилнинг март ойига қадар моддий ёрдамга муҳтож оила бўлмаса-да, яқин қариндошлари — ўгай онасига боқувчисини йўқотганлик сабаби қайд қилиниб бир марталик, қайнонасига қахрамон она — ўн фарзандни вояга етказганлиги ва касалмандлигини важ қилиб, уч ойлик, хуллас 4 ҳолатда 395941 сўмлик моддий ёрдам тайинлаган.

Шунингдек, айрим оилаларнинг даромадлари меъёридан ортиқ бўлса-да, 2 ёшгача болали оилаларга тўланадиган нафақа тайинлашда 3 та ҳолатда 889595 сўм, 16 (18) ёшгача болали оилаларга 10 та ҳолатда 1167714 сўмлик нафақа нотўғри тайинланган. Оқибатда, давлатнинг 2453250 сўмлик маблағи растарата қилиш йўли билан талон-тарож қилинган.

У.Юнусовнинг «саховатпеша»лиги маҳалла ҳудудида яшовчи, турмуш ўртоғи касал бўлиб вафот этган, 2 нафар фарзанди бор ёлғиз аёл Назира Акбаровага келганда «инқирозга учради».

— Бу ойда моддий ёрдам тайинлаш вақти ўтди, сенга келаси ойда оилавий шароитингни ўрганиб, лозим топилса тайинлаймиз, — дейди раис оғзаки мурожаат қилган Акбаровага.

Ҳолбуки, Юнусов маҳалла ҳудудида яшовчи барча оилаларнинг шароити, фуқароларнинг турмуш тарзини яхши билишини бот-бот айтишдан чарчамасди.

Бу қонунбузарлиги туфайли У.Юнусов суд ҳукми билан бир йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 981400 сўм жаримага тортилди. Шунингдек, давлатга етказилган 2453250 сўм У.Юнусовдан ундириб олинди.

Набижон СОЛИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Шофиркон туман суди раиси.
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист

Ishonch

2010-yil 13-iyul № 83 (2808)

Қашқадарё томонларда

Олтой турнири ғолиблари

Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика тўгараги дастлаб тўрт-беш нафар қиз билан машғулотлар бошлаган бўлса, ҳозир шуғулланувчилар сони юздан ошиб кетди.

— Залимизда барча қулайликлар мавжуд, — дейди тўгарак раҳбари, таниқли мураббий Вера Катаева. — Гимнастикачи қизларимиз республика ва вилоят мусобақаларида фаол қатнашиб, қувончли натижаларга эришмоқда.

Яқинда гимнастикачи қизлар Россия Федерациясининг Олтой шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда яна бир бор ўзларини кўрсатишди. Унда Севара Қабулова яккалик чиқишида иккинчи, Дилнура Ашурова учинчи ўринни қўлга киритди.

Шаҳрисабзнинг шифобахш суви

Хисор тоғи бағридан қайнаб чиққан табиий булоқлар ўзининг шифобахшлиги билан қадимдан машҳур.

«Шаҳрисабз маъданли суви» шуъба корхонасида модернизация ишлари амалга оширилиб, Украина ва Полшадан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилиб, 4 хилдаги газланган ва газсиз маъданли сувлар ишлаб чиқарилаяпти.

Жамоа раҳбари С.Хўжамовнинг таъкидлашича, технологик жараёнлар такомиллаштирилиб, экологик жиҳатдан тоза ва шифобахш сув ишлаб чиқариш янада кўпаяди.

Савоб ишнинг кечи йўқ

Карши туманидаги Икром Соҳибов раҳбарлик қилаётган «Соҳиб Рустам» фермер хўжалиги ўзининг савоб ишлари билан ном чиқарган.

Ташаббускор жамоа қишлоқда 9-мактабни таъмирлашга доимо амалий ёрдам бериб келади.

Яқинда фермер хўжалиги Нукробод қишлоғида йўлни таъмирлаш учун ҳам маблағ ажратди.

Раҳимжоннинг олтин медаллари

Карши давлат университети магистранти, спорт усталигига номзод Раҳимжон Рўзиев ёшлигидан енгил атлетика билан шуғулланади.

Матонатли йигит 2003 йилда Қашқадарё вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида 100 метрга югуриш бўйича олтин медалга сазовор бўлган эди.

Тошкентда ўтказилган «Универсиада — 2007»дан кумуш медални қўлга киритган йигит Андижонда «Универсиада — 2010» мусобақаларида иккита олтин медал соҳиби бўлиб, устозлари ишончини оқлади.

Иззат ҲИКМАТОВ

Футбол бўйича куни кеча ниҳоясига етган мундиалнинг энг муҳим жиҳати — янги чемпионга эга бўлганимиздир. Уругвай, Бразилия, Германия, Аргентина, Италия, Англия, Франция сафи яна бир терма жамоага кенгайди. У — Испаниядир.

SOUTH AFRICA 2010 FIFA WORLD CUP

Кучлар тенг...ми?

ундай бўлса буни исботлаш керак

Голландия-Испания ўртасида кечган ўйин тафсилоти ҳақида, ўйлаймизки, узундан-узоқ тўхталиб ўтириш шарт эмас. ФИФА матбуот маркази тарқатган маълумотга қараганда, жаҳон чемпионати учрашувларини бир йўла 700 миллион мухлис «зангори экран» орқали тўғридан-тўғри томоша қилган. Улар орасида энг ками беш миллион ишқибоз юртдошларимиз эди, десак асло муболаға бўлмаса керак.

Қайд этиш лозимки, тахмин қилинганидек финал баҳси ўта асабий тарзда кечди. Ҳакам футболчиларни ўндан зиёд сариқ ва ҳатто битта қизил карточка билан «сийлаганлиги» ҳам, албатта, тасодифий ҳол эмас. Майдоннинг ҳар бир квадрати дарвоза томон энг тўғри ва равон йўл каби тўп учун муросасиз кураш борди. Албатта, қулай вазиятлар ҳам бўлди, дарвозабонлар ҳам гол ҳолати юз бермаслиги учун ҳар қачонгидан сергаклик кўрсатдилар. Аммо финал, умуман, плей-офф учрашувларида муроса кўчасини танлашга изн берилмайди — қайсидир жамоа ғалаба қозониши, иккинчиси мағлубиятга учраши шарт.

Шундай ҳам бўлди. Чемпионлик шоҳсупасига йўл бор-йўғи битта гол эвазига очиб берилди. Асосий вақт ниҳоясига етиб, белгиланган қўшимча ярим соатлик вақт тугашига тўрт дақиқа қолганида Иньеста томонидан амалга оширилган кучли зарба барча масалага нуқта қўйди. Испания — чемпион!

Ҳа, Испания чемпион бўлишга ҳақли эди. Шубҳасиз, шундай шараф Голландияга ҳам жуда-жуда ярашган бўларди. Агар дарвозабон билан икки марта яккама-якка чиққан Роббен тўпни аниқ йўллай билганда, агар Касилес ана шу палладарда юксак маҳорат намойиш этмаганда... Бу ёғи энди эҳтимоллар назарияси.

Учинчи ўрин эса чемпионликка асосий даъвогарлардан ҳисобланган Германия терма жамоасига насиб этди. Лекин уругвайликлар томонидан тақдим этилган ўйинни, ҳеч бир муболағасиз, футбол мухлислари узоқ вақт эслаб юрадиган бўлишди. Тасаввур қилинг: учрашувнинг сўнгги секундлари. Германия дарвозаси томон жарима тўпи белгиланган. Форланнинг кучли зарбаси! Тўп дарвоза тўсинига тегиб, майдонга қайтди ва шу заҳоти учрашув поёнига етганлиги ҳақида ҳакам хуштаги чалинди. Ваҳоланки, зарба хиёл пастроқ йўналиш олганда ҳисоб 3:3 бўлган, яна баҳс қайтадан бошланган бўлур эди.

Ушбу чемпионат кучлар тенглашиб, қарашларда умумийлик юзага келаётганини кўрсатди. Ҳар ҳолда илк тасаввур шундай. Бир вақтлар бразилияликлар «бизга қанча тўп киритсангиз киритаверинг, лекин биз барибир кўпроқ гол урамиз», деб мақтанишни яхши кўришарди. Ҳозирги Бразилия термаси бунга қодир эмаслигини кўрдик. Бошқалар ҳам бу сўзларни айтишга юрак ютишмаса керак, албатта.

Шу тариқа Африка ва Осиё қитъаси вакиллари, хусусан Ўзбекистон термаси учун ҳам имконият эшиклари очилди. Фақат изланиш ва яна изланиш керак холос. Бунинг учун эса мамлакатимизда барча шарт-шароит етарли.

Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекнинг истеъдодли ўғлони

Ҳаш-паш дегунча бир ой ҳам ўтиб кетибди. Ҳамюртимиз Равшан Эрматовнинг ҳуштаги билан старт олган мундиал ҳам якунига етди. Биз футбол ҳақида кўп гапирдик, кўп ёздик. Энди ўзбек деган номни, Ўзбекистон деган давлатни бутун дунёга танилишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшган иқтидорли ФИФА ҳаками Равшан Эрматов ҳақида бир оғиз сўз.

Эрматовнинг нечта ва қайси жамоалар ўртасидаги ўйинда бош ҳакам сифатида майдонга тушганини ҳамма билади, албатта. Ўтган ўттиз кун ичида мутахассис ҳамда мухлислар томонидан ҳакамимиз шаънига илиқ фикрлар айтилди, айтилмоқда. Айниқса, ФИФА президенти Йозеф Блаттернинг шахсан юртдошимизга билдирган миннатдорчилиги кишини қувонтиради. Ҳамюртимиз илк маротаба бундай нуфузли мусобақада қатнашишига қарамай, ўзини йўқотиб қўймади, ФИФА мутасаддиларининг ишончини оқлади. Ва айрим тажрибали ҳакамлар бажара олмаган ишнинг уддасидан чиқди. Баъзи хориж давлатлари ҳакамлари икки ёки учта ўйин бошқарган бўлса, Эрматов бешта учрашувда бош ҳакамликни қойилмақом қилиб бажарди. Бир чемпионат доирасида беш учрашувни одиллик билан олиб боргани кўпчиликка манзур бўлди. Адолатли қарорлари билан ФИФАнинг рейтинглар жадвалида олдинги сафларда қайд этилгани эса нур устига нур бўлди.

Жаҳон чемпионатлари тарихига ўз номини зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйган Равшан Эрматов ҳамда унинг бригадаси Рафаэл Илёсов ва Баҳодир Қўчқоров чиққан самолёт 14 июл куни тонгги соат 5:00 да Тошкент халқаро аэропортига келиб қўнади.

Ўзбекистон Футбол Федерацияси, Ўзбекистон футбол терма жамоалари фан клуби ва кенг жамоатчилик томонидан Равшан Эрматовни муносиб кутиб олиш учун барча тайёргарлик ишлари кўрилмоқда.

Нарзулла МАХАМОВ

Хотира абадий

Озодлик орзуси

Нарпай тумани марказида тинч-осуда ҳаёт учун курашган воҳанинг мард ўғлонлари шарафига мўъжазгина ёдгорлик ўрнатилган. Улар сафида жасур ва мард ўзбек ўғлонлари Қудрат Суюнов ҳамда Сафар Хушназаровнинг ҳам сиймосини кўрасиз. Ҳаёт-мамот жангида қаҳрамонлик кўрсатган бу жасур йигитлар нигоҳига тикилар экансиз, кўзларидан мустақиллик, эркинлик ва озодлик ҳақида сўзлашмоққа муштоқликни туясиз. Ахир, уларнинг ҳам мана шундай дориломон кунларни кўриш ҳақида осмон қадар орзулари бўлган-да!

Силаб юзинг тош кўрдим,
Армонли сирдош кўрдим.
Нигоҳингда ўт, яна
Тош каби бардош кўрдим.
Сўзлашайлик мард ўғлон,
Кўкси тўла дард ўғлон!

Ҳижрон ўти толдирмиш,
Меҳринг ерни қондирмиш.
Бешафқат, қонхўр уруш
Вужудингни ёндирмиш.
Сўзлашайлик, мард ўғлон
Кўкси тўла дард ўғлон!

Қуёш кулди — кул энди,
Қайтди баҳор — кел энди,
Қўмсаб ёнингга келдик,
Ёнимизда бўл энди.
Уйғон, энди мард ўғлон,
Кўкси тўла дард ўғлон!

Мансур АЛОВУДДИНОВ

Оромгоҳларда ёнғин хавфсизлиги

Ёз ёнғинларнинг олдини олишда масъулиятли давр ҳисобланади. Ушбу фаслда дам олиш масканларида ёнғин хавфсизлиги қоидаси талабларига қатъий амал қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Фарзандларимиз оромгоҳларда бехавотир ҳордиқ чиқаришлари учун тегишли идора ва ташкилотлар ёнғин хавфсизлик қонун-қоидаларини тўла ва бекаму-кўст бажаришлари шарт.

Айниқса, оромгоҳлардаги ёнғинга қарши сув ҳавзалари, ташқи ички сув қувурлари соз ҳолда бўлиши ва улар доимий равишда сув билан тўлдириб қўйилиши лозим. Шунингдек, тез ёнувчи чиқиндилар ҳамда қуриган ўтлардан муntазам тозаланиб турилиши ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари тахт ҳолда туриши шарт.

Билиб қўйган яхши

Таъкидлаш жоизки, марказий электр ўчиргичлари уй ташқарисида ўртанилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дам олувчиларнинг ётоқхоналарида ёнғин ёки фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда заҳира чиқиш йўллари, йўлаклари доимо очиқ бўлиши керак. Ушбу жойларда мебел ёки шунга ўхшаш бошқа буюмларнинг сақланиши ҳамда чиқиш эшикларининг михлаб ёпиб қўйилиши қатъий ман этилади.

Қолаверса, стол, ўриндиқ, тумбочка ва кроватлар хонадаги чиқиш эшикларини тўсиб қўймайдиган қилиб ўрнатилиши лозим. Унутмаслик керакки, бинолардан 100 метр узоқликда жойлашган махсус майдончаларгагина гулхан ёқишга рухсат этилади. Бунда гулхан атрофи 1,4 метр кенгликда чопилиши ва 25 метр радиусда қуриган ўтлардан тозаланиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари бўлиши ҳам, албатта, шарт. Дарахтзорлар яқинида ҳамда шамол эсиб турган пайтда гулхан ёқиш мумкин эмас.

Маҳаммаджон МАНСУРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бошлиғи

Менинг нафсим балодир

Режасиз иш қолипсиз ғиштга ўхшайди. Қанча ҳаракат қилманг, қолипи йўқ ғишт барибир текис чиқмайди. Барча соҳада ҳам шундай. Иш тартибли, пухта ва қонуний бўлса, албатта, барака бўлади.

Тартибли жойда барака бор

Афтидан пойтахтимизда фаолият олиб борадиган «Bars avto servis» МЧЖ раҳбари Ж.Ҳакимов юқоридаги ҳикматдан бехабар кўринади. Акс ҳолда ноқонуний ишлардан ўзини тийган бўларди.

Департаментнинг Юнусобод тумани ходимлари томонидан ўтказилган текширувда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи мазкур жамият ҳайдовчилари мижозларга кўрсатилган хизмат учун пул олишни эсдан чиқаришмаган-у, тегишинча чипта беришмагани аниқланди.

Шунингдек, жамият томонидан берилган йўл варақаларида ҳайдовчиларнинг ишга чиқиш кунлари белгиланган бўлса-да, кун давомида неча маротаба қатнагани ёки неча километр йўл босиб ўтгани кўрсатилмаган. Натижада, автомобиллар томонидан сарф қилинган ёқилғининг аниқ ҳисобини олишнинг иложи бўлмаган. Бундан ташқари, жамият ҳисоб-китобнинг осон йўлидан бориб, ҳайдовчилар томонидан йўловчи ташиш хизматидан тушган тушум миқдори тўлиқ ҳисобланмасдан, бир кунлик режали тушум топширилгани аниқланган.

Энг асосийси, ҳайдовчилар томонидан топширилган пул маблағлари банкка инкассация қилиниш ўрнига бошқа мақсадларда ишлатиб юборилган. Шу тариқа хизмат кўрсатиш қоидалари қўпол равишда бузилган. 2008 йилдан «Bars avto servis» МЧЖда ўртача 50 нафар ходим ишласа-да, Юнусобод тумани ДСИга топширган ҳисоботларда 12 717 700 сўм миқдорда ягона солиқ тўлови тўланган. Аслида жамиятда транспорт хизмати кўрсатиш кичик корхоналари учун белгиланган (25 нафар)дан кўпроқ ходими бўлгани сабабли умумбелгиланган солиқлар тўловчиси ҳисобланиши ва 33 545 200 сўм миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, 1 069 500 сўм миқдордаги қўшимча мажбурий тўловни тўлаши лозим эди.

Суд жараёнида Ж.Ҳакимов айбига тўла иқрор бўлиб, тўланмай қолган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни айтиб кўрсатма берди. Шунингдек, Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, жаримага тортилди.

Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси Матбуот бўлими

Соғлиғингиз ўз қўлингизда

Толиққан асабга даво

Ҳар ишда яхшидур юмшоқ сўзласанг,
Яхшимас бошдаёқ жанжал кўзласанг.
ФИРДАВСИЙ

Инсоннинг табиати ғалати.

Қачонки хасталикка чалиниб, боши ёстиққа теккандан сўнггина ўз соғлиги ҳақида ўйлайди. Ваҳоланки, у куни кеча соғлом ва бахтиёр инсонларнинг қаторида эди. Қайдан ёпиша қолди бу дард? Қаерда хатога йўл қўйди?

Умуман, хасталик ўз-ўзидан бошланмайди, аксинча, у қайсидир ножоиз хатти-ҳаракатингиз оқибатидир. Агар сиз касаллик гирдобига тушиб қолмасликни истасангиз у ҳолда соғлом яшашга интилмоғингиз лозим. Хўш, буни қандай амалга оширса бўлади? Доноларимиз «соғлиғинг — қўлингда», деб бежизга айтишмаган.

Асаб хасталиги аср хасталиги сифатида эътироф этилаётгани маълум. Негаки, бугун турли-туман ахборотлар оқими кўпайди. Ён-атрофимизда ижтимоий ва шахсий муаммолар ҳам анчагина. Руҳий тушкунлик оқибатида келиб чиқаётган депрессиянинг ўзиёқ вужудимизни турли хил хасталикларга мубтало этмоқда. Кўча-кўйдаги шовқинни айтмайсизми? Мутахассислар таъкидлашича, ғалағовур киши умрини 5-8 йилгача қисқартираркан. Хўш, нима қилмоқ лозим? Япон олимлари шовқинли товушларнинг ўсимликлар ва жониворларга таъсирини ўрганиш мақсадида тажриба ўтказишган. Қарангки, дарё бўйида майин мусиқа чалинганда, жамики майда балиқлар соҳил томон сузиб келаверибди. Мусиқа тўхташи билан ортга қайтишибди. Шунингдек, шовқинли хонада гулларнинг ўсиши ҳам секинлашгани маълум бўлган. Ёмони шундаки, шовқин энг аввало бош мия фаолиятини сусайтиради, асаб тизимини ишдан чиқаради, эшитиш қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Унутмангки, жаҳлга эрк бериш, ортиқча бақир-чақирлар миядаги асаб ҳужайраларини емиради. Емирилган ҳужайралар эса қайта тикланмайди! Шунинг учун тез-тез асабларга дам бериш, иложи борича табиий ва гўзал товушларни тинглаш лозим. Сувнинг жилдираб оқиши, барглар шитирлаши сингари ранго-ранг товушлар толиққан асабларга ором бахш этади, мия фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Шундай экан, оилада, кундалик мулоқот чоғида ҳам майин сўзлашишга одатланайлик.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Паркент туман кенгаши раиси Мирсалим Умаровга падари бузруквори **МИРЖАМОЛ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Toshev
Navbatchi: N. Maxamov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.50

Буюртма Г — 651

12995 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5